

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИТАЛИЯ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА ЧИҚДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Италия Республикаси Президентини Сержо Маттарелланинг тақлифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.

8 июнь куни Италия Республикаси Президентининг қароргоҳи – Рим шаҳридаги Квиринал саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Сарой олдидаги майдонда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул ҳамда отлик гвардия аскарлари саф тортди. Квиринал саройининг минорасида Италия, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи байроқлари кўтарилди.

Давлатимиз раҳбарини Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелла кутиб олди.

Ҳарбий оркестр икки мамлакат миллий мадҳияларини ижро этди.

Фахрий қоровул бошлиғи давлатимиз раҳбарига рапорт берди.

Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Биргалликда суратга тушиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Президентини Сержо Маттарелланинг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ташриф билан келиш тақлифи ва самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, Президент Сержо Маттарелла ва Италия халқини куни кеча ўтган миллий байрам – Республика эълон қилинган кун билан қутлади.

Италия Президенти Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотларни қўллаб-қувватлашни билдирди

ҳамда мамлакатимизнинг Марказий Осиёда барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш борасидаги сый-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Давлат раҳбарлари иқтисодий ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқдилар.

Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони икки баробар кўпайди. Юртимизда Италиянинг Pietro Fiorentini, Terra-nova, Danieli, Imagro, Ansaldo, Saipem каби етакчи компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Президентлар куни кеча ўтган бизнес-форум натижаларини мамнуният билан қайд этдилар. Унинг якунида умумий қиймати 9 миллиард евродан зиёд бўлган келишув ва шартномаларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Италиянинг маданий-тарихий меросига бағишланган кўрғазма ташкил этишга келишиб олинди.

Бундан ташқари, таълим, археология, экологик хатарларга қарши курашиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Тошкентда Турин ва Пиза университетларининг филиаллари муваффақиятли ишламоқда. Кетма-кет уч йил Ўзбекистон Венециядаги Халқаро биенналеда иштирок этиб келмоқда.

Йил бошидан мамлакатимизга келаётган италиялик сайёҳлар сони 5 қарра кўпайди. Жорий йил апрель ойидан бошлаб Тошкент ва Милан ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани туристлар оқимининг ошишига хизмат қилади.

Етакчилар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар, энг аввало, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Афғон халқига манзилли гуманитар ёрдамни давом эттириш ҳамда махсус вакилларнинг маслаҳатлашувларини мунтазам ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Сержо Маттареллани мамлакатимизга расмий ташриф билан келишга тақлиф этди.

Рим шаҳридаги расмий тадбирлар дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Кичи саройида Италия Республикаси Вазирлар кенгаши Раиси Жоржа Мелони билан музокара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Италия заминда кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун дилдан миннатдорлик билдирди.

Италия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим ва ишончли шериги экани, кейинги йилларда сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик фаоллашгани қайд этилди.

Бугун стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилгач, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар мисли кўрилмаган юксак даражага чиқди. Ушбу, ҳеч муболағасиз, тарихий воқеа Ўзбекистон – Италия кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантиришда янги муҳим босқичнинг бошланишидир.

Бош вазир Жоржа Мелони Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашни ҳамда уларнинг муваффақиятига ишонишини билдирди.

Етакчилар муносабатларни устувор йўналишларда янада мустаҳкамлаш истиқболларини батафсил муҳокама қилдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш асосий вазифа экани таъкидланди. Ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми кейинги йилларда икки баробар кўпайди. Металлургия, энергетика, электротехника ва бошқа тармоқларда Италиянинг етакчи компаниялари билан саноат кооперацияси лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди.

Амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини ҳисобга олиб, томонлар технологик ва инновацион шериклик бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлигини қайд этдилар.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни рағбатлантириш зарурлиги таъкидланди.

Маданият, италия тилини ўрганиш, таълим ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун катта салоҳият борлиги кўрсатиб ўтилди.

Бош вазир Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда шериклик, яхши кўшничлик ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги сый-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади ҳамда "Италия – Марказий Осиё" ҳамкорлик форматини янада ривожлантиришга чақирди.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилар экан, афғон халқига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишни, шу жумладан, Термиз шаҳридаги логистика маркази имкониятларидан фойдаланган ҳолда давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашиш бўйича изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда. Охириги йилларда давлат ва жамият бошқаруvinинг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Моҳият

Манфаатлар тўқнашуви уни тартибга солишнинг аниқ қонуний механизми белгиланмоқда



Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларини қабул қилиш орқали ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ҳар йили белгилаб олиш амалиёти жорий этилди. Давлат хизматларини элек-

трон тарзда амалга ошириш тизими яратилиши натижа-сида маълумотлар беришда турли хил коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи инсон омили камайирилишига эришилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун қўмағи

Ундирилган улуш



Фарзандлар келажасига хизмат қилади

Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилада эркак ва аёлга ўзига яраша масъулият, бурч ва вазифалар юклатилган. Айнан оила умримизга мазмун, ҳаётиимизга файз бағишлаб, жамият равақига ва юрт тараққиётида муҳим ўрин тутади. Зеро, соғлом муҳит барқарор бўлган оилаларда соғлом ва юрт равақига йўлида фидойилик кўрсатадиган фарзандлар камол топади. Аммо ҳаётда ўз оиласи олдидаги масъулият, бурч ва вазифаларини унутган кимсалар ҳам учраб туради.

(Давоми 2-бетда) ▶

Тарих тилсимлари



АЛИШЕР НАВОИЙ ДЎСТЛАРИ

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий дўстликни ниҳоятда қадрлаган. Дўстлик, унинг назиди, биринчи навбатда суянчиқ, меҳрибон устоз, самимий маслаҳатчи ва эшонқуяр ҳамдardдир.

Алишер Навоий асарларида содиқ дўстлари ҳақидаги нақл ва ривоятлар, дўстликни улғуловчи ўринлар кўплаб учрайди. Уларда инсон инсонни яхши кўриши, уни ардоқлаши зарур деган ғоя илгари сурилади. «Кимки инсондор анинг маҳбуби ҳам инсон керак» дейди шоир бир ўринда.

Алишер Навоий дўстлик каби бебаҳо неъматни

асраб-авайлашга чақиради. Унинг Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадга бағишлаб ёзган асарлари шунчаки хотиралар мажмуи эмас, балки уларда дўстлик аталмиш олий қадриятнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, инсонларни уни қадрлашга даъват қилиш мақсади мужассамлашган.

(Давоми 4-бетда) ▶

Ҳаётда инсон ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка тоқат қилолмайди. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп. Қуйидаги воқеа тафсилоти ҳам шу ҳақида.

Ҳуқуқий ҳимоя

ТАДБИРКОРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР



туман ҳокимлигидан ундириб берилди

Бешариқ туманида яшайдиган Ёқутхон Кенжабоева бундан бир неча йил муқаддам яхши ният билан туманнинг "Булоқбоши" маҳалласи, Сирдарё кўчасида жойлашган умумий ер майдони 119 метр квадратдан иборат, олди айвонли савдо дўконини сотиб олади. 2009 йил 30 сентябрда унинг мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилди, кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Бироқ туман ҳокимлиги томонидан 2013 йил 15 декабрда тасдиқланган аҳоли пунктларини комплекс қурилишини назорат қилиш комиссияси хулосаси асосида ушбу савдо дўкони бузиб ташланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги "Давлат ва жамоат

эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 97-сонли қарорига асосан савдо дўкони ўрнига бошқа ер майдони ажратиб берилиши маълум қилинади. Бу ҳақида тегишли қарор ҳам қабул қилинган бўлса-да, Ё.Кенжабоевага ер ажратиб берилмайди.

Шундан сўнг Ё.Кенжабоева муаммони ҳал этиб беришни сўраб, Бешариқ тумани ҳокимлигига мурожаат қилади. Аммо орадан анча йиллар ўтса ҳам муаммога ечим топилмайди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Парламент фаолияти



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари муҳокама этилиб, депутатлар томонидан қабул қилинди.

Қонунчиликдаги янгиликлар

ИНСОН СОҒЛИҒИ ВА ҲАЁТИГА ХАВФ СОЛУВЧИ ТОВАРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Кейинги пайтларда инсон соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли бўлган товарларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш ҳолатларининг кўпайиб бораётгани контрафакт, сифатсиз товарларнинг муомаласига барҳам бериш, аҳоли саломатлигини кафолатлаш борасида кўрилатган чоралар самарадорлигини янада оширишни тақозо этмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида инсон ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқарганлик ва муомалага киритганлик учун жазо чораларини янада кучайтириш назарда тутилган.

Хусусан, этил спирти, алкоҳоль ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик тўғрисидаги жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши назарда тутилмоқда.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти томонидан санитария нормалари ҳамда гигиена



на қоидаларига риоя этилмаслиги инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Янги қонун лойиҳасида санитария ва ветеринария қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жазо чораси янада кучайтирилмоқда.

Бундан ташқари тадбиркорнинг товар брендиндан ноқонуний фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилиб, тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар тартиби аниқ белгиланмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

ВОЯГА ЕТГУНИГА ҚАДАР СОДИР ЭТГАН ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАЗОНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХС СУДЛАНМАГАН ДЭБ ҲИСОБЛАНДИ



Юртимизда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитни яратиш давлатимиз сийосатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Қонунчиликда “вояга етмаганлар” деганда, 18 ёшга тўлмаган шахслар тушунилади.

Амалдаги қонунчиликда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги, уларга нисбатан жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлса-да, шахснинг вояга етмаган даврида содир этган жинояти учун судланганлик ҳолатининг тугаллиги оид алоҳида қоида мавжуд эмас.

Шу ўринда айтиш керакки, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган, деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган, деб саналади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетгани ёки судланганлик-

нинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари ҳам бекор бўлади. Шунингдек, содир қилинган жиноят учун тайинланган жазонинг ўтаб бўлиши билан судланганлик ҳолатининг тугаллиги белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

“Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77 ва 85-моддаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида шахснинг вояга етмаган даврида содир этган жинояти учун қонун олдида ўз жазосини тўлиқ ўтаб бўлгандан сўнг унинг оқибатлари келгусида таъсир қилмаслиги ва ўз ҳаётини янгидан бошлаши учун имконият берилишини таъминлаш мақсадида вояга етгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган, деб ҳисобланиши белгиланмоқда.


Шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддати 6 ойдан 1 ойга қисқартирилмоқда.



ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛАР МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҒИДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ

“Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни жаддаллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари, энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жаддаллаштириш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ҳамда юридик шахсларга бир қатор солиқ имтиёзлари белгиланмоқда.

Хусусан, юридик шахслар умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари орқали электр энергиясини ишлаб чиқариб, умумий тармоққа сотганда фойда солиғи, улар буйича мол-мулк ва ер солиғини тўлашдан озод этилади. Шунингдек, уй-жойда умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиғини тўламайди.



ИПАКЧИЛИК СОҲАСИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Мамлакатимизда ипакчилик тармоқларини кенгайтириш, юқори сифатли ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ипакчилик корхоналарининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш буйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ипакчилик тармоғида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун кулай шарт-шароитлар яратиш, янги корхоналар қуриш ва рақобатдош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутади.

“Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-мод-

дасига қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида Яйлов ҳўжалиқларини ривожлантириш уюшмаси тизимининг субъектларида меҳнат қилаётган мавсумий ходимларга нисбатан вақтинчалик солиқ имтиёзлари қўлланилиши назарда тутилган. Ушбу давр мобайнида соҳадаги мавсумий ишчилар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдоридан белгиланади.

Бундан ташқари солиқ тўловчилар ипак қурти уруғини ва пиллани етиштириш, пиллани қайта ишлаш, тайёр ипак маҳсулотларини ҳамда ипакчилик тармоғи учун ёрдамчи материалларни ишлаб чиқаришда айланмадан олинандиган солиқни тўлашдан озод этилади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИТАЛИЯ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА ЧИҚДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Италия Бош вазири Жоржа Мелонини ташриф билан мамлакатимизга келишга таклиф этди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Вазирлар кенгаши Раиси Жоржа Мелони икки мамлакат ўртасида Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилдилар.

Этакчилар ҳузурда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган 11 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатларни алмашиш маъносими ҳам бўлди. Ҳуқуқий масалаларда, саноат мулки ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорлик қилиш

тўғрисидаги битимлар шулар жумласидан.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги билан Италия савдо агентлиги ўртасида реставрация соҳасида, Ўзбекистон маданият ва санъатни ривожлантириш фонди ва Италия Республикаси Маданият вазирлиги ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ҳамда 2026 йилга қадар маданий алмашинувлар дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Италияга расмий ташрифнинг биринчи кунида БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) офисига ташриф буюрди ва унинг бош директори Цюй Дунъюй билан

учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан ушбу муҳим ихтисослаштирилган халқаро институт ўртасидаги ҳамкорликни, энг аввало, аграр тармоқни модернизация қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби устувор йўналишларда кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йиллардаги самарали ҳамкорлик натижаларини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистонда ФАО офиси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Охириги бир неча йилда ҳамкорлик портфели уч баробар кенгайди ва бугунги кунда ер ва сувдан фойдаланиш, агросаноат мажмуи, ўрмон ҳўжалиги, экология, чорвачилик ва қўллаб-қувватлаш йўналишлари камраб олган.

Глобал миқёсда озиқ-овқат хавфсизлигига хатар-

лар кучайиб бораётган шароитда шерикликни янада кенгайтиришдан томонлар манфаатдор экани қайд этилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги, фундаментал илмий тадқиқотлар, қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш, Оролбўйининг экологик муаммоларини ҳал қилиш ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳа ва тадбирларни амалга оширишни назарда тутадиган 2030 йилга қадар ҳамкорлик буйича янги кенг қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқиш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

ФАО шафелигида Сафарқандда ўтказиладиган юқори даражадаги халқаро конференцияга тайёргарлик масалалари ҳам муҳомада қилинди.

Бош директор Цюй Дунъюй Ўзбекистонда аграр соҳани модернизация қилишга қаратилган таркибий

ислохотларни қўллаб-қувватлади.

Учрашув якунида мамлакатимиз етакчиси бош директорга шу йил июль ойида бўлажак ФАО раҳбари сайловида муваффақиятлар тилади.

Шу билан биринчи куннинг тадбирлари якунланди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Римдан Милан шаҳрига келди.

“Мальпенсе” аэропортида олий мартабали меҳмонни Ломбардия вилояти раҳбарияти қутиб олди.

9 июнь куни давлатимиз раҳбари ушбу ҳудуд губернатори билан учрашди ҳамда Италиянинг етакчи компания ва ташкилотлари раҳбарлари билан давра суҳбати ўтказди.

“ITMA 2023” тўқимачилик машинасозлиги буйича энг йирик халқаро кўргазмага ташриф буюрилиши ҳам режалаштирилган.

ЎЗА

Қонун кўмаги

Ундирилган улуш

фарзандлар келажигага хизмат қилади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Китоблик Жавлон Фозилов (исм-шарифлар ўзгартирилган) қўшни қишлоқда истиқомат қилувчи Дилрабо Салимовани кўнгил қўйиб уйланди. Бу орада уларнинг уч нафар фарзанди дунёга келди.

Тақдир экан, кейинчалик фарзандларидан бири ҳаётдан бевақт кўз юмди. Энг ёмони, эр-хотин фарзандининг улимидега бир-бирини айбдор санагани туфайли ўртадаги муносабатларга дарз кетди, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат йўқолди.

Шундан сўнг Дилрабо икки фарзанди билан ота уйига қайтиб боришга мажбур бўлди. Бу орада Жавлон Назокат исмли аёлга шаръий никоҳ асосида уйланиб олди. Д.Салимова эса, фарзандлари келажagini уйлаб, Ж.Фозилов билан ўзаро турмуш кечирган даврда қурилган уйдан ўз улушини ажратиб беришни

сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилди.

— Жавобгар яшаб келаятган уй-жой қурилишига менинг ҳам меҳнатим синган, — деди у суд жараёнида. — Ҳозирда икки нафар фарзандим ўзимнинг қарамоғимда. Уч хонадан иборат олди пешайвонли уй қурганимиз. Бу уйни бозор нархида баҳолаб, менинг улушимни ундириб беришингизни сўрайман. Чунки айни пайтда фарзандларим билан қийин шароитда яшаб келмоқдаман.

Буни қарангки, Жавлон Фозилов даъво талабини тан олмасдан, уй-жойдан даъвогарга тегишли бўлган улушни нақд пул ҳисобида тўла-маслик илинжида турли важларни уйлаб топди.

Аммо қонун жабрланувчининг манфаатларини ёқлади. Хусусан, Оила кодексининг 23-моддаси 1-бандида “Эр ва хотиннинг никоҳ

давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилганига қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ва никоҳ шартномасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргалликдаги умумий мулки ҳисобланади”, дея қайд этилган.

Суд ушбу қонун талабига асосан экспертиза тайинлади. Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза Маркази Қашқадарё вилояти бўлимидан 2023 йил 7 мартдаги ҳулосасида Жавлон Фозиловнинг номида бўлган низоли уйнинг экспертиза ўтказиш вақтидаги умумий баҳоси 169 миллион 467 минг 476 сўмга тенглиги қайд этилган.

Суд қонун талабларига таянган ҳолда даъвони қаноатлантириш ҳамда жавобгардан даъвогар фой-

дасига низоли уй-жойнинг иккидан бир қисми миқдоридан ҳиссасини (84 миллион 733 минг 738 сўм) ундириб бериш тўғрисидада ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳаётда амалдаги қонунларни яхши билган, унга риоя қилган киши ҳеч қачон ютказмайди. Д.Салимова ҳам қонунга мувофиқ иш тутиб, фарзандлари билан узоқ йиллар яшаб келган уй-жойдан ўз улушини ажратиб олишга муваффақ бўлди. Эндиликда бу маблағ фарзандларининг келажига учун сарфланади.

Сарвар МУСТАФОЕВ,
фуқаролик ишлари буйича
Шаҳрисабз туманларо суди судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
“Куч – адолатда” муҳбири

Кейинги йилларда мамлакатимизда муомала ва меҳнатга лойқатсиз, боқувчисини йўқотган, “Меҳрибонлик уйлари” ҳамда болалар шаҳарчаларида тарбияланган, шу каби иш қидираётган, иш таклиф этилса, унга киришишга ҳозир, касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, тadbиркорлик, шунингдек, хунармандчилик фаолиятини бошлаш истасидаги ёшларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими яратилди. Шунинг баробарида бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар ҳам яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Табиики, сиз гап ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган, улар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга оладиган “Ёшлар дафтари” ҳақида бораётганини англаган чиқарсиз.

Ҳақиқатан ҳам, “Ёшлар дафтари” эндиликда ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-хунар ўрганишга эҳтиёжи ҳамда ишти-ёқи бўлган ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда назоратини олиб бориш буйича маълумотлар базасига айланди.

Ун тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган, “Ёшлар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга бир марталик моддий ёрдам берилмоқда. Бундан ташқари уларнинг тадбиркорлик, касб-хунар ўрганиши,

қайта тайёрлов курсларида ўқиш харажатлари тўлиқ қопланмоқда.

“Ёшлар дафтари”да рўйхатга олинганларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилиши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари, шунингдек, деҳқончиликда уруғ-лик, боғдорчиликда соҳасига кўчатлар харид қилиши учун субсидиялар ажратилмоқда.

Умуман олганда, “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган шахслар, уларнинг оилаларига кўрсатилаётган инсонпарварлик, меҳр-мурувват таъминиларига асосланган ижтимоий кўмак хусусида яна кўп гапириш мумкин.

Ўз навбатида, “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган шахслар ҳам “Ёшлар жамғармаси” маблағларини тасаруф этишда қонун талабларига қатъий риоя қилиши, бу борада белгилаб қўйилган тартиб-таомилдан четга чиқ-

маслиги, адолатли иш тутиши талаб этилади. Акс ҳолда давлат бюджет маблағининг талон-торож қилиниши муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Бу фикрларимизнинг тасдиғи учун ҳаётий мисол келтиришимиз. Гап шундаки, судланувчи Ш.Сайфиддинов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2020 йил 17 августидан 2022 йил 10 октябрга қадар Ёшлар ишлари агентлиги тўлиқ бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келган. У раҳбарлик фаолияти давомида мансаб мавқеини

Жиноятга жазо муқаррар!

Ортиқча тўлов

суистеъмол қилган.

Ш.Сайфиддинов Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Вақтинчалик тартиб талабларини қўпол равишда бузган. Бинобарин, Вақтинчалик тартибнинг 10-бандида моддий ёрдам қийин ёшларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлашнинг аниқ миқдори ёшнинг ҳаётий вазияти мураккаблигини инобатга олган ҳолда базавий ҳисоблаш

миқдорининг 4 бараваргача миқдорда Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ тўлаб берилиши қайд этилган.

Аммо Ш.Сайфиддинов тўлиқ ҳокимлиги “Ёшлар жамғармаси” Васийлик кенгаши қарорининг 1-иловасига асосан рақамсиз ҳазина чиким ордери орқали фуқаро С.Тангрияева ва Б.Қўлдошевага 1 миллион 80 минг сўм ўрнига, ҳар бирига 5 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам пули ажратган. Оқибатда у давлат бюджетга маблағидан 7 миллион 840 минг сўм ортиқча тўлашишга сабабчи бўлган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Вақтинчалик тартибнинг 4-бандида “Ёшлар дафтари”га ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган ёшлар киритилиши, тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик фаолиятини бошлаш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилиш истидада бўлган ишсиз ёшларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш белгилаган. Буни Ш.Сайфиддинов ҳам яхши билган.





Моҳият

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ

уни тартибга солишнинг аниқ қонуний механизми белгиланмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер ресурсларини тўғридан-тўғри бериш амалиёти бекор қилинди. Ерни фақат аукцион орқали сотиш амалиёти йўлга қўйилди.

Республика даражасидаги давлат ва хўжалик ташкилотлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолият юритмоқда.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда қўмақлашган шахсларни рағбатлантириш механизми жорий этилди.

Аммо шунга қарамайдан, соҳада айрим муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу муаммоларни ҳуқуқий тартибга солиш асослари бугунги кунга қадар белгиланмаган.

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”**ги қонун бу борадаги ислохотларнинг манткий давоми сифатида ишлаб чиқилган. Янги қонун коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи манфаатлар тўқнашуви соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган яхлит ҳужжатдир.

Янги қонунни ишлаб чиқиш зарурати ҳақида фикр юритганда, бир қатор муҳим омилларни қайд этиб ўтиш жоиз. Яъни:

биринчидан, айрим қонун ҳужжатларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тушунтириш берилган бўлса-да, давлат органлари ҳамда муассасаларида уларни амалга ошириш ва назорат қилишнинг аниқ механизмлари

белгиланмаган;

иккинчидан, бугунги кунда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солиш бўйича ягона амалиётни шакллантирувчи ваколатли орган мавжуд эмас;

учинчидан, давлат ташкилоти ходимларининг манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган манфаатлар тўғрисида хабар бериш амалиёти йўлга қўйилмаган;

тўртинчидан, давлат ташкилотларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва тартибга солишнинг самарали ҳуқуқий механизми яратилмаган;

бешинчидан, манфаатлар тўқнашувида йўл қўйилган ҳолда тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топиш бўйича ҳуқуқий асослар мавжуд эмас;

олтинчидан, **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги қонунда давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек, уларнинг раҳбарлари қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланган бўлса-да, қонунчилик ҳужжатларида жавобгарлик масаласи назарда тутилмаган.

Бинобарин, **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”**ги қонунда шу каби масалалар ўз ечимини топмоқда. Аввало, манфаатлар тўқнашуви тушунчаси, давлат хизматчиларининг мажбуриятлари ҳамда уни тартибга солиш бўйича аниқ механизмлар белгилаб берилмоқда.

Янги қонунни ишлаб чиқишда хорижий давлатлар, жумладан, Чехия, Латвия, Хорватия, Грузия, Канада, Польша каби давлатлар қонунчилиги

ўрганилган бўлиб, уларнинг миллий қонунчилигимизга мос бўлган нормалари ушбу қонунда ўз ифодасини топган.

Шунингдек, ушбу янги қонуннинг қўлланиш доираси аниқ белгиланмоқда. Аниқроқ айтганда, ушбу янги қонун талаблари давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат муассасалари, давлат унитар корхоналари, давлат мақсадли жамғармалари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларига нисбатан, шунингдек, ўз устав фондида давлат органлари ёки бошқа ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Янги қонунда давлат ташкилоти ходимлари ва уларнинг яқин қариндошлари устав фондидаги улушлари ёки акцияларига эгаллик қиладиган ёки бошқарув органи ва кузатув кенгашининг аъзоси бўлган юридик шахслар ушбу ходимларга алоқадор шахс ҳисобланиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича асосий принциплар аниқлаштирилмоқда. Давлат ташкилоти ходимларига нисбатан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар назарда тутилмоқда.

Давлат ташкилоти фаолиятида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда ваколатли органлар, яъни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, давлат ташкилотларининг одоб-ахлоқ комиссиялари, кадрлар бўлиналари ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг вазифалари белгиланмоқда.

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солишдаги маълумотлар шахсга доир маълумотлар ҳисобланади. Шу боис қонунда уларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича чоралар назарда тутилмоқда.

Манфаатлар тўқнашувида оид талабларни бузганликнинг ҳуқуқий оқибатлари белгиланмоқда. Хусусан, манфаатлар тўқнашувини маълум қилмаслик ёки унинг тартибга солилмагани интизомий ёки қонунчиликда белгиланган бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши; манфаатлар тўқнашувида йўл қўйган ҳолда қабул қилинган қарорлар ва тузилган битимлар бекор қилиниши, суд тартибиде ҳақиқий эмас, деб топиллиши, шунингдек, ушбу қарорлар ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда, олинган фойда суд тартибиде давлат даромадига ўтказилиши белгиланмоқда.

Коррупция, жумладан, манфаатлар тўқнашувида йўл қўйган ҳолда қабул қилинган ва тузилган битимларни суд тартибиде ҳақиқий эмас, деб топил асослари тақомиллаштирилмоқда. Айрим ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳолатлари учун маъмурий жавобгарликлар белгиланмоқда. Яъни:

- давлат органи ходимлари манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермагани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравардан 5 бараваригача миқдорда (такроран содир этилган бўлса, 5 баравардан 10 бараваригача) жарима белгиланмоқда;
- мансабдор шахслар ушбу вазиятни тартибга солимагани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравардан 10 бараваригача миқдорда (такроран содир этилган бўлса, 10 баравардан 15 бараваригача) жарима назарда тутилмоқда.

Бунда маъмурий баённома тузиш ваколати Коррупцияга қарши курашиш агентлигига берилмоқда.

Шундай қилиб, мазкур қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши:

- манфаатлар тўқнашувини тартибга солишнинг аниқ қонуний механизми белгиланишини;
- манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда давлат назорати амалга оширилишини;
- давлат хизматчиларининг бевосита раҳбарлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзга келганда тегишли чоралар кўрилишини;
- давлат хизматчилари томонидан содир этилиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олинишини таъминлайди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшилланишига ижобий таъсир кўрса-тади.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси

Ҳуқуқий ҳимоя

ТАДБИРКОРГА етказилган зарар туман ҳокимлигидан ундириб берилди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шундан сўнг ўзининг Конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда Ё.Кенжабоева фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, савдо дўкони бузилиши муносабати билан етказилган зарарни аниқлаб, ундириб беришни сўради. Бироқ суднинг 2022 йил 29 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан унинг даъво талаби рад этилди. Бундан норози бўлган Ё.Кенжабоева Фарғона вилояти судига апелляция шикоят билан мурожаат қилди.

Шу ўринда айтиш керакки, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига кўра, давлат бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланишини ва унинг суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни уни етказган шахс томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда қопланиши керак.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 15-моддасида “Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатлари мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши, шунингдек, улар мансабдор шахсларнинг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши лозим. Бундай зарарнинг ўрни давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари ҳисобидан қопланади”, дея белгиланган. Аммо биринчи инстанция суди ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаб, мавжуд далилларни муҳокама қилиш ва баҳо бериш чораларини кўрмаган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 396-моддасида суд ишни апелляция тартибиде кўраётганда, суд ҳужжатлари-

нинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириши, қолаверса, янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкинлиги қайд этилган. Ана шу асосга таянган апелляция инстанцияси қайта баҳолаш экспертизаси тайинлади. Ё.Кенжабоевага тегишли савдо дўкони “Дисконт инвест” масъулияти чекланган жамиятининг 2022 йил 26 октябрдаги баҳолаш ҳулосасида 125.126.000 сўмга баҳоланган.

Ҳадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Андижон вилояти филиалининг 2023 йил 17 мартдаги судга оид куриллиш экспертизаси ҳулосасида “Дисконт инвест” масъулияти чекланган жамиятининг баҳолаш ҳулосаси илмий асосланмагани, савдо дўконининг 2013 йил декабрь ойи ҳолатидаги бозор қиймати 37.486.069 сўм, ердан фойдаланиш ҳуқуқининг бугунги кундаги қиймати 127.601.992 сўмни ташкил этиши кўрсатилган. Бу қийматларга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси асосида 15 фоиз қўшиб ҳисобланса, 170.710.971 сўм келиб чиқарди. Шу боис Фарғона вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 2022 йил 29 ноябрдаги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, Ё.Кенжабоеванинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилди. Ушбу қарорга асосан Ё.Кенжабоеванинг фойдасига Бешариқ тумани ҳокимлиги орқали маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 170.710.971 сўмлик компенсация ҳамда 8.230.000 сўм миқдорда суд ва экспертиза харажати ундириб берилди.

Ҳулоса ўрнида айтиладиган бўлса, ҳар бир иш юзасидан адолатли қарор чиқариш ва шу орқали қонун устуворлигини таъминлаш суд фаолиятининг мезони ҳисобланади. Зеро, бу юртдошларимизнинг суд ҳокимияти ва амалдаги қонунларимизга бўлган ишончини янада оширади.

Бузрукхон АБРОРОВ,
Фарғона вилояти
суди судьяси

Жиноят ва жазо

Ҳавойи НАФС АСИРИ узок муддатга озодликдан маҳрум ЭТИЛДИ

Балиқчи туманида яшайдиган Дилонаб Сувонова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2017 йилнинг сентябрь ойида “Чинобод намуна” фермерларга ёқилги тарқатиш шохобчаси бош оператори Ҳамидулло Ғафоров билан танишиб қолади.

Тез орада улар ўртасида иллик муносабат пайдо бўлади. Шундан сўнг улар кун-кунора учрашиб туришадди. Ҳ.Ғафоров аёлга турли хил совға ва моддий ёрдам бериб, илтифот кўрсата бошлайди. Натижада у аёлнинг уйда бемалол қолиб кетадиган, ҳатто унинг уч нафар етим ўғлига отасидек муомала қиладиган бўлади.

2021 йилнинг ёз ойларида улар шаръий никоҳ ўқитишадди. Ҳ.Ғафоров Д.Сувонованинг рўзгор ва бошқа харажатларини ўз зиммасига олади. Ўз навбатида, Д.Сувонова ҳар ойда турли сабаблар билан Ҳ.Ғафоровдан 300-400 АҚШ доллари олиб туради. Аммо у бу пулни нималарга сарфлашини айтмайди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Ва камомад

тегишли жавобгарликка сабаб бўлди

Бироқ Ш.Сайфиддинов амалда ушбу тартибга зид иш тутган, яъни давлат бюджети маблағи ҳисобидан “ҳотамтойлик” қилган. Ёши ўттиз бирдан ошган Ж.Юсуфалиева ва Г.Мирзажоновга 245 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам тўлаб бергани етмагандек, у амалдаги тартибга хилоф равишда ўттиз бир ёшдан ошган фуқаро С.Ҳасанбоевага ҳам бир донга тивув машинаси олиши учун 2 миллион 100 минг сўм ажратади.

Қисқаси, Ш.Сайфиддинов беш ҳолатда 10 миллион 430 минг сўм бюджет маблағини талон-торож этади.

Бундан ҳам қизиги шундаки, туман ҳокимлиги томонидан Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимига 2022 йилнинг 28 февралда ҳар бир донаси 5 миллион 790 минг сўм бўлган, жами 81 миллион 105 минг сўмлик 14 донга “Planshet” курилмаси берилди. Бу техник воситалар бўлимининг асосий

воситалари сифатида рўйхатга олинади.

Аммо бунга қарамай Ш.Сайфиддинов “Planshet” воситаларини Тошкент шаҳрига олиб боради-да, ҳар бирининг ўртача бозор баҳоси 2 миллион 600 минг сўмдан, умумий қиймати 33 миллион 800 минг 351 сўмга тенг бўлган 13 донга “Lenovo” ноутбук компьютерига алмаштириб келади.

Ш.Сайфиддинов бунча ноутбукни нима қилган, дейсизми?

У ноутбукларни бўлимда ишлайдиган ўн уч нафар етакчига фойдаланиш учун беради. Масаланинг энг ёмон томони шундаки, бирон-бир ҳужжатсиз, қонунга зид равишда қилинган бу қилмиш оқибатида бюджет маблағининг 47 миллион 304 минг 649 сўми талон-торожига қилинган.

Жиззах вилояти давлат молиявий назорати бошқармаси томонидан Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимида



ўтказилган текшириш жараёнида Ш.Сайфиддиновнинг қилмишлари ошкор бўлди. Ш.Сайфиддинов жами 60 миллион 134 минг 646 сўм ортиқча тўлов ва камомадга йўл қўйгани аниқланди.

Яқинда очик суд мажлисида ушбу жиноят иши мазмунан кўриб чиқилди. Суд тергов органи томонидан Ш.Сайфиддиновни мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, ўзганинг мулкани такроран талон-торож қилганликдаги жиноий ҳаракатини Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми “б” ва “г” бандлари билан тўғри малакаланган, деб ҳисоблади.

Тергов даврида судланув-

чи томонидан етказилган зарар ўрни тўлиқ қопланган. Шу боис суд Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисмида белгиланган “Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазо қўлланилмайди” деган қоидага асосланди.

Суд Ш.Сайфиддиновга ҳар ойлик иш ҳақининг йилгирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда бир йил олти ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Қўшимча жазо тартибиде барча турдаги давлат корхо-

наси, муассасаси ҳамда ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, судланувчи Ш.Сайфиддиновнинг қилмиши бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак. Зотан, ҳаётда инсон фақат ҳалол меҳнати, фидойилиги ва ростгўйлиги билан обрў-эътибор топади. Жиноий қилмиш эса, ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

Мақсуд ЭРНАЗАРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Арнасой тумани суди раиси
Абдуҳамид
ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Куч - адолатда” мухбири

Тарих тилсимлари

АЛИШЕР НАВОЙИЙ
ДЎСТЛАРИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Алишер Навоий ўз дўстлари ҳақида ёзганда уларни юксак эҳтиром билан вафодар элади. Абдурахмон Жомий Алишер Навоийга устоз мақомидаги дўст эди. Уни тарихат элининг имоми, муртабид олими, шайх ул-ислом дея улуғлайди. Уларнинг дўстлиги шу қадар буюк, мусаффо, самимий эдики, уни таърифлашга сўз ожиздир. Уларнинг яқинлиги шу даражада эдики, дунёқарашлари, фикр-мулоҳазалари, интилиш ва ўй-хаёллари бир хил бўлиб кетганди.

Алишер Навоий дўстларидан кўпдан-кўп эзу фазилатларни ўзлаштирди, ўз ҳаётида улардан ибрат олди. Унга устоз мақомидаги зотлардан яна бири Сайид Ҳасан Ардашердир. «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» асаридида шоир бу инсоннинг ибратли фазилатларига қайта-қайта тўхталади.

Маълумки, Сайид Ҳасан Алишер Навоийдан ёш жиҳатидан анча улуғ бўлган. У Бойсунгур Мирзонинг ўғиллари Алоуддава, Султон Муҳаммад, Абулқосим Бобур бирин-кетин тахтга ўтирган йиллар ҳамиша уларнинг ҳамсухбати бўлган улуғ аллома эди.

Унинг оддийлиги, камсуқумлиги ва хушмуомалалиги билан катта-ю кичикнинг меҳрини қозонганди. Жуда кўп ёшлар суҳбат куриш учун унинг уйига боришга иштиёқманд бўлган. Али-

шер Навоийнинг ёзишича, ҳар ким унинг уйига келар бўлса, «бизга лутф қилиб кулбамизга қадам ранжида қилсангиз, биз сизнинг хизматингизда бўлурмиз» деб катталарга қандай ҳурмат кўрсатса, ёшларга ҳам шундай мурожаат қилар экан.

Сайид Ҳасан Ардашер мансабпарастликини ниҳоятда қоралаган: «Мансабпарастлик мастлик кабидир. Аммо у чоғир мастлигидан фарқ қилади. Чоғир ичиб маст бўлган киши қилган иши ва сўзини назорат қила олмайди. Оқибатда одамларга озор бериши, нотўғри хатти-ҳаракатлар қилиб қўйиши мумкин. Мансаб мастлиги эса токи инсон мансабдор экан, давом этади. Инсон мансабда бўлган, ўзини идо-ра қилса, яхши, аммо оёғи ердан узилиб, нафсга берилса, кўп хатоликлар қилади».

Маълумки, Алишер Навоий улуғ мансабларни эгаллаганда ҳам ҳамиша давлат ва халқ манфаатини биринчи ўринга қўйган. Ўз вазифасини ҳалол бажарган. Бинобарин, Сайид Ҳасаннинг ўғитлари Алишер Навоий учун ҳаётини сабоқ бўлганга шубҳа йўқ.

Пахлавон Муҳаммад Алишер Навоийнинг ёшлигидан бирга ўсиб улғайган дўстларидан биридир. Алишер Навоий уни қирқ йиллик қадридони, «махрами сирри ниҳоний» дейди.

Бундан чиқадики, уларнинг ўртасида яширин сир бўлмаган. Пахлавон Муҳаммад ку-

рашларда кураги ерга тегмаган машҳур пахлавон бўлиш билан бирга, мусиқа илмида замонасининг машҳурларидан, тиббиёт, шеърят, фалсафани чуқур тушунган.

Пахлавон Муҳаммад Алишер Навоийни жуда эъзозлаган. Ҳамиша ҳамдард бўлиш, яхши-ёмон кунларида ёнида туришга ҳаракат қилган. Алишер Навоийнинг қайд этишича, янгитлик чоғида давр ва замон балолари бошига ёғилиб, Машҳадга борганда оғир хасталикка чалинади. Табиб уни муолажага буюради. Бу ишни Пахлавон Муҳаммад ўз зиммасига олади.

Шундай муолажа пайтида Пахлавон Муҳаммад Алишер Навоийнинг чўнтагида қоғоз борлигини кўриб қолади. Аста олиб қараса, янги ёзилган етти байтлик ғазал экан. Ёнига қўйиб дарҳол ёдлаб олади. Сунгра билан тирмай шоирнинг чўнтагига қайтадан солиб қўяди.

Муолажадан сўнг ўртада суҳбат бошланади. Пахлавон Муҳаммад "Сен ўз шеърларинг билан анча машҳур бўлиб қолдинг, шеър фарқлашга тажрибанг етади, айт-чи, туркигўй шоирларнинг қайси бирини афзал

биласан?" — деса, Алишер Навоий шоир Лутфийнинг номини тилга олади. Пахлавон Муҳаммад бунга эътироз билдириб, нега Сайид Насимий турганда Лутфийни маъқул кўрасан, дейди. Алишер Навоий "Насимий ботиний маънодаги шеърлар ёзади, сенинг сўрашингдан мақсад зоҳирий маънодаги шоир эмасмиди?" — дейди.

Пахлавон Муҳаммад Насимийнинг шеърлари ботиний бўлса ҳам, зоҳирий талкин қилиш мумкин, дея мана бу шеърини эшит дейди ва Алишер Навоийнинг янги ёзилган ғазалини ўқиб беради. Алишер Навоий ҳайрон бўлади ва чўнтагига қўлини солиб кўрса, қоғоз жойида турибди. Бу шеърни қачондан бери биласан, деб сўраганда, Пахлавон Муҳаммад 12 йил олдин Абулқосим Бобурнинг бир зиёфатида шу шеър ўқилгани, менга ёқиб қолиб ёдлаб олганим, деб жавоб беради. Улуғ шоир баттар таажубланибди.

Пахлавон Муҳаммад эртаси кун эрталаб келганда, Алишер Навоий яна ўша шеър ҳақида сўз очиб, ҳақиқатан ҳам, ўша пайтда шу шеърни эшитганими-йўқ-

ми, билишга қизиқади. Шунда Пахлавон Муҳаммад ўша пайтларда мен билан бирга бўлган бошқа полвонлар ҳам ўша шеърни ёдлаб олганди, деб ўзи билан олиб келган уч-тўрт нафар курашчидан ҳам ўша шеърни ўқиб беришни сўрайди. Улар ҳам унинг фикрини маъқуллаб, ғазални бирин-кетин ўқиб беришади. Алишер Навоий гоётада ажабланибди. Хуллас, маълум бўлишича, Пахлавон Муҳаммад ўша ғазални бошқа курашчиларга ҳам ёд олдириб келган экан.

Пахлавон Муҳаммад дўстнинг руҳан эзилганини кўриб, унинг бироз чалғиши, дардини унуттиши учун шу усулни ўйлаб топганини Алишер Навоий ўзига хос миннатдорлик ва завқ билан эслади.

Дўст садоқати, вафоси, мушфиқ хамдамлиги инсонга оғир қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишда ёрдам берувчи улкан қувват. Алишер Навоий ана шундай манбани дўсти Пахлавон Муҳаммад сиймосида кўради.

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Буни қарангки, аста-секин Д.Сувонованинг сарф-ҳаражатлари кўпайиб кетади. Ҳ.Ғафоров гарчи, бундан норози бўлса-да, эътироз билдирмайди. Лекин шу орада унинг топиш-тутишидан барака кўтарилади. Шунинг учун у Д.Сувоновага тежаб-тергаб пул берадиган бўлади. Бунинг оқибатида уни ҳар доим очик чеҳра билан кутиб оладиган Д.Сувонованинг муомала-муносабати ҳам бирдан ўзгаради. Аниқроғи, у секин-аста Ҳ.Ғафоровдан ўзини олиб қоча бошлайди. Шу билан бирга, кўнгироқларига ҳам жавоб бермай қўяди. Аҳвол шу даражага бориб етадики, Д.Сувонова Ҳ.Ғафоровнинг телефон рақамини "қора рўйхат"га киритиб қўяди.

— "Ҳали шунақаи? Пулим борлигида яхшиман-у, чўнтагим қуриқ пайтда керакисиз одамга айландингми? Ёки бошқа бирортасини топиб олдингми? Мен осонликча жон берадиган аҳмоқ эмасман", дейди Ҳамидулло ўзига-ўзи.

Шу боис у бошқа бир танишининг рақамидан Д.Сувоновага кўнгироқ қилиб, бафуржа гапшичи олишлари зарурлигини айтади. Аммо такаббур аёл бунга кўнмайди. Аксинча, кўпмуомала қилиб, эрини масъулиятсизликда айблайди. Натижада Ҳ.Ғафоровнинг шубҳа-ғумонлари яна аланга олади. Бинобарин, у Д.Сувонова билан бирга ишлайдиган Ҳанифа исмли аёлнинг олдига боради. Чунки хотини бир неча кун аввал Ҳанифа опадан 300 АҚШ доллари, дугонаси Шаҳзодадан 200 АҚШ доллари, қўшни маҳалладаги тиллафуш аёлдан 1200 АҚШ доллари миқдорида қарзи борлигини айтади, пул олган эди.

— Тўғри, хотининг қарзи бор. Лекин ҳали бергани йўқ, — дейди аёл.

— Мен унга пул берганман. Бир сўраб кўринг-чи, нима дер экан? — дея уқтиради Ҳ.Ғафоров.

Шундан сўнг Ҳанифа Мамарўзиева Д.Сувоновага кўнгироқ қилиб, қарзини қайтаришни сўрайди. Аммо Д.Сувонова оянинг охирида қарзини беришни айтади. Бундан Ҳ.Ғафоровнинг баттар жаҳли чиқади. Шундан сўнг у Д.Сувоновани қасд олиш пайига тушади.

Қисқаси, 2022 йилнинг 13 июнь куни

Жиноят ва жазо

Ҳавоий
НАФС АСИРИ

узоқ муддатга озодликдан
махрум этилди

Ҳ.Ғафоров қабиҳ режасини амалга оширишни мўлжаллайди. Шу мақсадда у Ҳанифа Мамарўзиевага кўнгироқ қилиб, хотинининг ишда эканини билгач, кечки пайт уйдан чиқади. Сўнгра туман марказидаги хўжалик моллари дўконидан буюққа қўшилидиган тез ёнувчи кимёвий суюқлик сотиб олади. У кечкурун Д.Сувонованинг уйига борганда хонадон соҳибаси уни хушламайгина қарши олади.

— Охири пайтларда ўзгариб қолдинг. Мени кўп алдаясан, ўзингнинг олиб қочаясан. Яқиндагина сени оғохлантирдимми-а? — дейди Ҳ.Ғафоров хотинига.

— Сиз аввало ўзингизга жавоб беринг. Аввал эрлик вазифангизни уйдалаб қўйинг, кейин менга гапирасиз, — дейди аёл тап тортмай.

— Кўп асабимга тегаверма. Биласан-а, жаҳлим чиқса, ўзимга жавоб бермайман. Ёқиб юбораман, — дея Ҳ.Ғафоров оstonада турган кимёвий суюқликка ишора қилади.

— Қўлингиздан келганини қилинг. Мени қўрқитолмайсиз, — дея Д.Сувонова баттар саркашлик қилади.

Аёл бу билан чекланмай эрини ҳақорат қилишга тушади. Бироқ Ҳ.Ғафоров ғазаб қайнаб турса-да, ўзини базўр босиб, ташқарига чиқиб

кетади. Орадан бир соатча ўтгач, қайтиб уйга кирганида хотини аллақон ухлаб қолгани. Шунда у Д.Сувонованинг устига кимёвий суюқлиқни сеппиб, ёқиб юборади. Олов исканжасида уйғонган аёл отилиб ҳовлига чиқади-да, идишда турган сувни устидан қўяди. Д.Сувонова куйлаги ва баданини аёвсиз куйдираётган оловни ўчиришга уринаётганда кўзи қонга тўлган эр идишдаги суюқлиқни яна хотинининг устига сеппиб, ёндиргични унинг кийимига тутди. Пировардида боқши Д.Сувонова яна олов ичида қолади. Шунга қарамай, у юрганча кўчага чиқиб, кўшнисининг уйига кириб яширинади.

Албатта, қўшниси унинг аянчи аҳолини кўриб, дарҳол шифокорларни чақиради. Натижада Д.Сувонова зудлик билан тиббиёт бirlашмасининг жонлантириш бўлимига ётқизилади. Аммо шифокорларнинг барча уринишлари бесамар кетади — Д.Сувонова фажианнинг учинчи куни вафот этади.

Шундан сўнг қотил Ҳ.Ғафоровга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Тергов жараёнида Ҳ.Ғафоровнинг 2020 йил март ойида содир этган фирибгарлик жинояти ҳам фош бўлади. Аниқланишича, аввалига у туманинг

"Шўр" маҳалласида яшовчи А.Адиловдан музлатилган балиқ маҳсулотлари савдоси билан шуғулланишини айтиб, бир ойда қайтарш шарти билан 4000 АҚШ доллари миқдорида қарз сўрайди. Борди-ю, қарзини қайтаролмаса, эвазига 10 гектар ерни унинг номига расмийлаштириб беришини айтади. Хуллас, Ҳ.Ғафоров шу тарзда 3 мартаба 4000, бир марта 2000 АҚШ долларини олиб, А.Адиловни ҳув туширади. А.Адилов пулини сўраб уйига боравергандан кейингина 1500 АҚШ долларини қайтариб беради.

Тергов-суриштирув мобайнида Ҳ.Ғафоров 4000 АҚШ доллари миқдоридаги қарзини тан олади, холос. Аммо А.Адилов, унинг рафиқаси Ҳилола Адилованинг кўрсатмалари ҳамда терговга тақдим этилган аудио ёзувлар Ҳ.Ғафоров фирибгарлик жиноятини ҳам содир этганини тўлиқ тасдиқлади.

Шу тариха ҳам қотиллик, ҳам фирибгарлик жиноятини содир этган Ҳ.Ғафоров Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "ж" банди ва 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, суд ҳукмида судланувчидан жабрланувчи А.Адиловга етказилган 12.500 АҚШ долларининг миллий валюта-миздаги қиймати — 139.062.500 сўмни ундириш ҳам белгиланди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, тўғри йўлдан адашиш, ҳалолликни унуттиш кишини жиноятга бошлайди. Жиноятга эса, ҳар доим жазо муқаррар. Айни ҳақиқатни теран ҳис қилган инсон асло юзатмайди. Баён этилган воқеа тафсилоти бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас. Зеро, ҳар бир нарсадан тегишли хулоса чиқариш фақат фойда келтиради.

Фурқат СОБИРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Балиқчи тумани суди раиси

Бу дунёда яхшилик, ўзгаларга эззулик улашиш энг олижаноб ва улуғ фазилатдир. Чунки яхшилик шундай қудратли ва ҳаётбахш қудратга эгаки, у ҳаётга шуқуҳ ҳамда эжозига бағишлаб, инсон тақдирини ўзгартириб юбориши мумкин. Халқимиз "Яхшилик қил, дарёга ташла, билса балиқ билади, билмаса, Холқ", дея бежизга айтмаган.

Куйида шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Қизиқарли фактлар

ЯХШИЛИК
МЎҶЖИЗАСИ

Америкалик машҳур шифокор Ховард Келли ота-онадан эрта етим қолиб, кўп қийинчилик ва машаққатларни бошидан кечириб воёга етган. Ҳатто унинг ҳаётида шундай оғир кунлар ҳам бўлганки, у егулик ва ўқийш учун уйма-уй юриб, одамлардан кўмак сўрашга мажбур бўлган.

Жумладан, кунлардан бир куни унинг чўнтагида бир чақа ҳам қолмади. Очлик хуруж қилганидан қадам босишга кучи етмайди ва ўша атрофдаги уйлардан бирининг эшигини қоқиб, бирон-бир егулик сўрашга мажбур бўлади. Албатта, у бундан ич-ичидан хижолат тортади, аммо бундан бўлак чораси йўқ эди. Шу боис у чўчибгина уй кўнгиригини босади. Буни қарангки, уй эшигини чиройли қизча очганини кўриб, Ховард Келли бирдан нима дейишни билмай қолади. Унинг боғия қатъиятидан асар ҳам қолмайди, шундай чиройли қиздан егулик сўрашга уялди. У азбаройи ҳаяжонга тушганидан каловланиб, шундай дейди:

— Кечирасиз, сиздан... бир стакан сут сўрасам бўладими?... Қизча унга тикилиб туриб, ҳаммасини сўзсиз тушунади ва шошиб уйига кириб, тезда бир стакан сут олиб чиқади.

Ховард Келли кўз ости билан қизга қараб-қараб стакандаги сутни аста-секин симириб ичади. Кейин эса, гўёки ўзини бойваччадек тутиб, шундай дейди:

— Сиздан қанча қарздор бўлганми?!

— Сиз ҳеч нарса қарздор эмасиз, — деб жавоб берди қизча жилмайганча. — Ойим менга яхшилик учун ҳеч қачон ҳақ талаб қилинмаслигини айтган.

— Ундай бўлса, сизга катта раҳмат! — дейди Ховард Келли.

Бу воқеа Ховард Келлига шунчалик кучли таъсир қиладики, у дафъатан ўзини нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам кучли ҳис эта бошлайди. У шундай қатъий фикрга келади: дунёда шундай олижаноб, саховатли ва меҳрибон одамлар бор экан, ҳаётдан завқ олиб, мақсад сари дадил интилиб яшаш керак.

Шундан сўнг орадан кўп йиллар ўтади. Кунлардан бир куни шу шаҳарда яшовчи ёш аёл кутилмаганда оғир касалликка чалинади. Маҳаллий шифокорлар аёлга ҳеч қандай ёрдам беролмагач, уни тажрибали мутахассислар кўригидан ўтказиш учун катта шаҳарга юборишади. Қисқаси, катта шаҳарда аёлни қўриқдан ўтказиш учун тақлиф қилинганлар орасида доктор Ховард Келли ҳам бор эди. Ховард Келли бемор аёл қаердан келганини эшитиб, бирдан юраги ҳап-ҳап қилиб кетади. У дарҳол бемор аёл ётган хонага қиради. Аёл йўлда қаттиқ толиққани боис ухлаб ётарди. Ховард Келли хонага кириб, аёлнинг чеҳрасига кўз ташлагач, уни бирдан танийди. Ҳа, бу ўша, бир пайтлар у очликдан силласи куриб, оёқда базўр турган пайтда бир стакан сут билан меҳмон қилган қиз эди. Бу қандай бахтли тасодиф!

Ховард Келли гарчи орадан йиллар ўтса-да, ўша воқеани бир зум ҳам эсидан чиқармаганди

(о, буни қандай унутсин, бу қизча мўъжаз жасорати, гўзаллиги ва жозибаси билан нафақат уни очлик азобидан халос этган, балки ҳаётга бутунлай бошқа кўз билан қарашга, мақсад сари дадил қадам ташлашга ундаган). Тақдирнинг йўригини кўринки, энди бу сирли хилқатнинг ўзи Ховард Келлининг кўмагига муҳтож бўлиб турибди. Ховард Келли шу йўларни хаёлидан ўтказаркан, аёлнинг касаллик тарихи ва таҳлил натижаларини қўлига олиб, кўз югуртирди. Аммо у худди мудиҳш сирдан воқиф бўлгандек, бирдан юзи қорайиб кетди. Чунки аёл бедаво дардга чалинган, уни даволашга тиббиёт охири эди.

Ховард Келли хонасига қайтганда, аёлнинг тақдирини ўйлаб, ўзини қаерга қўйишни билмасди. У узоқ ўйлади ва охири-охири билмай қолади. Унинг боғия қатъиятидан асар ҳам қолмайди, шундай чиройли қиздан егулик сўрашга уялди. У азбаройи ҳаяжонга тушганидан каловланиб, шундай дейди:

— Кечирасиз, сиздан... бир стакан сут сўрасам бўладими?... Қизча унга тикилиб туриб, ҳаммасини сўзсиз тушунади ва шошиб уйига кириб, тезда бир стакан сут олиб чиқади.

Ховард Келли кўз ости билан қизга қараб-қараб стакандаги сутни аста-секин симириб ичади. Кейин эса, гўёки ўзини бойваччадек тутиб, шундай дейди:

— Сиздан қанча қарздор бўлганми?!

— Сиз ҳеч нарса қарздор эмасиз, — деб жавоб берди қизча жилмайганча. — Ойим менга яхшилик учун ҳеч қачон ҳақ талаб қилинмаслигини айтган.

— Ундай бўлса, сизга катта раҳмат! — дейди Ховард Келли.

Бу воқеа Ховард Келлига шунчалик кучли таъсир қиладики, у дафъатан ўзини нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам кучли ҳис эта бошлайди. У шундай қатъий фикрга келади: дунёда шундай олижаноб, саховатли ва меҳрибон одамлар бор экан, ҳаётдан завқ олиб, мақсад сари дадил интилиб яшаш керак.

Шундан сўнг орадан кўп йиллар ўтади. Кунлардан бир куни шу шаҳарда яшовчи ёш аёл кутилмаганда оғир касалликка чалинади. Маҳаллий шифокорлар аёлга ҳеч қандай ёрдам беролмагач, уни тажрибали мутахассислар кўригидан ўтказиш учун катта шаҳарга юборишади. Қисқаси, катта шаҳарда аёлни қўриқдан ўтказиш учун тақлиф қилинганлар орасида доктор Ховард Келли ҳам бор эди. Ховард Келли бемор аёл қаердан келганини эшитиб, бирдан юраги ҳап-ҳап қилиб кетади. У дарҳол бемор аёл ётган хонага қиради. Аёл йўлда қаттиқ толиққани боис ухлаб ётарди. Ховард Келли хонага кириб, аёлнинг чеҳрасига кўз ташлагач, уни бирдан танийди. Ҳа, бу ўша, бир пайтлар у очликдан силласи куриб, оёқда базўр турган пайтда бир стакан сут билан меҳмон қилган қиз эди. Бу қандай бахтли тасодиф!

Ховард Келли гарчи орадан йиллар ўтса-да, ўша воқеани бир зум ҳам эсидан чиқармаганди

Интернет материаллари асосида Б. Райимов тайёрлади.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди

Бош муҳаррир:

Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-615 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувада эркин нархда. Адади: 6880
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 1³⁰.